



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 10 июнь, № 113 (4523)

Сешанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 июнь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, "Дубай холдинг" компанияси ижрочи раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг изчиллашиб бораётганини, бу икки томонлама ҳамкорликнинг сурият ва самардорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йилнинг март ойида Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи гоёт самарали бўлиб, ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди. Ташриф асно-

сида хавфсизлик, сайёҳлик, экология, илм-фан, қimmatли қозғалар бозори, шунингдек, сармоявий, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф асносида Президент Ислам Каримов Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан учрашиб, ўзаро муносабатларга доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилди. 2007 йилнинг октябрида шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг Ўзбеки-

стонга ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бар-тароф қилиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашулар тўғрисидаги протокол имзоланган.

Ислам Каримовнинг Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий билан учрашувида ана шу музокараларда эришилган ҳақиқатга эришилган, ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этилди. Ўзбекистон Бирлашган Араб Амирликларининг ўзининг Форс кўрфазидagi ишончли шериги деб билади. Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги энг муҳим ҳамқори сифатида қарайди. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари билан ҳамкорликка 68 қўша корхона тузилган. Улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади. Бирлашган Араб Амирликларининг энг йирик компанияларидан бири бўлган "Дубай холдинг" компанияси Ўзбекистондаги қатор иқтисодий лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари қўламини янада кенгайтириш, иқтисодий ва сармоявий соҳада мавжуд имкониятлардан тўлақон фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашиди.

(Ў.А.)  
Абдувоҳид Тўраев  
олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBHI OLIYLARIGA

Муҳтарам Президент Жаноблари, Аввало, Ўзбекистонга ташриф асносида менга ва делегациямиз аъзоларига кўрсатилган юксак иззат-икром учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ихозат бергайсиз. Хусусан, менга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, Самарқанддаги қароргоҳингизда меҳмон бўлиш имконияти яратилгани учун чўқур миннатдорлик билдираман.

Сиз билан учрашиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳалар бўйича ҳамкорликка доир муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилишга муяссар бўлганимдан гоёт мамнунман. Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳалар, савдо ва сармоя, энергетика ва табиий ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, шунингдек, иқтисодий ривожланиш бўйича инфратузилма барпо этиш ва таъриба алмашиш масалалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг Сизнинг доно раҳбарлигингизда барча жабҳаларда, шу жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда эришган улкан ютуқлари ташриф асносида менда катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистон келгусида Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат сифатида ҳар томонлама тараққий этиб, гуллаб-яшнашига қатъий ишонман.

Корея Республикаси ҳукумати ўзининг стратегик шериги бўлган Ўзбекистон билан эришилган келишувларни амалга ошириш ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятни ишга солади. Муҳтарам Президент Жаноблари, икки томонлама муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни бундан бун ҳам қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга ихозат бергайсиз.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига равнақ тилаб билдирган эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

Хан СИН СУ,  
Корея Республикаси Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг самарали қонунчилик базасини шакллантириш масалаларини муҳокама этиш билан боғлиқ қатор тadbирлар ўтказди.

## ЁШЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ


4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган, "Воёга етмаганларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: амалиёт ва самардорлик" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тadbирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутаты, ҳуқуқшунос олимлар, вазирилик ва идоралар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртилари, турли жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ГФРдан келган экспертлар иштирок этдилар.

Тadbир иштирокчилари таъкидлаб ўтгандек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган, "Воёга етмаганларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш: амалиёт ва самардорлик" мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тadbирда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутаты, ҳуқуқшунос олимлар, вазирилик ва идоралар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртилари, турли жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, ГФРдан келган экспертлар иштирок этдилар.

Тadbир иштирокчилари таъкидлаб ўтгандек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Кеча қўйи палатада қонунлар лойиҳаларини қўмиталарда қўриб чиқишни такомиллаштириш масалаларига бағишланган навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тadbирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирилик хузуридаги Норматив-ҳуқуқий қўмитанинг амалга оширилиши устидан мониторинг ишчи маркази, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

## ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Икки палатали тизимга асосланган профессионал парламент қўмиталарида қонун ижодкорлиги фаолияти самардорлигини ошириш масаласида катта таъриба тўпланди. Амалдаги қонунчиликда қўмиталарнинг ушбу довлар ва муҳим жараёндаги фаолияти аниқ белгиланган. Хусусан, Қонунчилик палатаси қўмиталарида уларни биринчи, иккинчи ва учинчи ўқишдаги муҳокама-ларга тайёрлаш ишлари мукамал олиб борилмоқда. Палата қўмиталари хузурида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш мақсадида жамоатчилик экспертлар гуруҳлари тузилган бўлиб, улар бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда. Тегишли қўмиталарда тузилган ишчи гуруҳлар томонидан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларини тайёрлашда бугунги амалиёт, халқаро таъриба ва халқимизнинг миллий анъаналарига жиддий эътибор берилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаларининг иқтисодий, илмий-техникавий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳам инобатга олинмоқда. Бундан ташқари, қонун лойиҳаларига мутасадди ташкилотларнинг тегишли хулосалари, тақлифлари ва эътирозлари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилаётди. Семинарда қаратилдики, Қонунчилик палатаси қўмиталари

қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида уларга берилган имкониятлардан етарли даражада фойдалана олмаётдилар. Сўзга чиққанлар мамлакат парламентининг икки палатали тизимдаги қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги, мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ечимини топиш, шунингдек, бу борадаги жаҳон амалиёти таърибларидан кенг фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди.

Кўрақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг муножаатлари тўғрисида»ги (янги тахрир) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш, Қонуннинг барча моддаларига амал қилиш юзасидан шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш бўйича чора-тadbirlar белгиланган.

«Фуқароларнинг муножаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этишда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, ҳокимият органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга фуқаролар томонидан тушаётган ариза ва шикоятларнинг сони камайиб кетди, айрим шикоятлар тақдирига бефарқ қаралмоқда.

Йиғилишда қонун ижросини таъминлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Юнус БҲОҲОНОВ,  
Хидоят АҲМЕДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА БРИФИНГ

Мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тadbirlar дастури тўғрисида»ги Фармонига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Унда Франциянинг расмий, ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатоналари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Катнашчилар Ўзбекистон Президентининг Фармони ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тadbirlar дастури тўғрисида батафсил маълумот олдилар. Уларнинг эътиборига, шунингдек, мамлакатимизнинг сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тadbirlar, қонун устуворлигига эришиш бўйича қилинаётган ишларга доир маълумотлар ҳавола этилди.

Брифинг катнашчиларининг фикрича, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини нишонлашга қаратилган юксак эътибор ҳамда Тadbirlar дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистон ҳукумати инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг амалий механизми ҳамда ҳуқуқий воситаларини яратиш масаласига устувор вазифа сифатида қараётганидан далолат беради.

Таъкидланганидек, демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш каби мақсадларга мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродаси ва тегишли давлат стратегиясиз эришиш мумкин эмас. Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар изчил ва тизимли равишда рўй бериб, жамиятда демократик кадрлар қарор топиб бораёпти.

Тadbir иштирокчилари эътиборига мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқлар, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари тинч ва осойишта ҳаёт кечираётгани, барқамол авлоднинг тарбиялаш учун мамлакатда яратилаётган шарт-шароитлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқарилаётганига бағишланган «Ўзбекистонга хуш келибсиз!» ҳужжатли фильми ҳавола этилди.


Брифинг сўнгига «Авиценна — Франция» ассоциацияси аъзоси Жак Манье «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлиб, учрашув борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Францияда ўтказилган тadbirlar давомида мен Ўзбекистон тўғрисида жуда кўп янги ва қизиқарли маълумотларни олдим. Яқинда Франция Сенатида ташкил этилган ва Ўзбекистонга бағишланган иккита конференцияда ҳам қатнашдим. Жорий йилда бутун дунё Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини кенг нишонлайди. Бу воқеа демократик тараққийёт йўлини танлаган давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга экани, айниқса, қувонарлидир. Бугунги тadbir Ўзбекистон мазкур давлатлар сафидан муносиб ўрин олгани ва ушбу йўналишда муҳим натижаларни қўлга киритганини яққол намойиш этди, — дея таъкидлади Ж. Манье.

«Жаҳон» АА.  
Париж


## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бир рақам шарҳи



2008 йилнинг биринчи чорағида мамлакатимизда маълумотлар узатиш, жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар сони 2 фоиз кўпайди.

Ўтган даврда жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган чора-тadbirlarнинг изчил амалга оширилиши туфайли шундай натижа қўлга киритилди.



лигимизни ҳар доим ҳис қилиб туришимиз керак, — дейди 25 ёшида сиёсий фанлар номзоди бўлган Муроджон Шарипов. — Негаки, илгари биз чет элда ўқиб келган ёки хорижлик тенгдошларимизга ҳавас билан қараган бўлсак, истиқлол туйғули юзага келган шарт-шароит ўзбек ёшларининг ҳам ҳеч қимдан кам эмаслигини исбот-

муносиб қўллаб-қувватланмоқда. Буларнинг барчаси келажакимизга қўйлаётган пойдевор. — Отамдан эрта жудо бўлганман, — дейди Зулфия номдаги давлат мукофоти соҳиб-би, шоира Юлдуз Файзиёва. — У киши, яъни Равшан Файзининг шеърлари менга болалик чоғимданок ёд бўлиб кетган. Баъзан отамни соғиниб, кўзим-

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг



УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

Дунёда неки мавжудот бор, ўз маконини эъозлайди. Ҳатто, полапонларини учирма қилишга ўргатаётган жонсарақ кушлар ҳам ўз ини атрофида ҳар доим парвона, чуқурчиға кўзқулоқ бўлади. Бинобарин, сизу бизнинг оруз-умидларимиз ҳам, эзгу ниятларимиз ҳам ўз Ватанимизда бўлиб қувади. Шунинг учун бўлса керак, юрт ҳақида гап кетганда, Она сўзини ҳам тилга оламиз. Зеро, ота-онамиз бизга нечоғли муътабар бўлса, Ватанимиз ҳам шу қадар беқийёсдир. Шу маънода, Ватан отасидан бошланади, деган сўзининг аҳамияти ниҳоятда юксак.

Мустақиллик бизга эл-юрт учун хизмат қилмоқлиқни, ўз ҳаётингга, келажакингга ўзинг масъулсан, деган сабоқни ўргатади. Бу ҳақиқатни ўқиб, ҳаётингга татбиқ этаяётганларни эса ҳар қадамда, ҳар бир масқанда кўраямиз. Истиқлол имкониятларидан баҳра олиб, эришяётган ютуқлари орқали Ватан шайини юксалтиришга аҳд қилаётганлар орасида ёш йилгит-қизларнинг қўлиги ҳар биримизни қувонтиради. Ахир, улар ИСТИҚЛОЛ ФАРАЗАНДЛАРИ! Ана шундай оқил ёшларимизнинг айримлари билан Ватан, Бурч, Мустақиллик ҳақида сўхбатлашдик.

га ёш оламан. Аммо энди улғайиб англаяманки, бугунгидек кунларга етиб келганим отамнинг ораулари ушалаётганидан дарақдир. Ахир, биз ёшларни қўллаб-қувватлаётган отамиздек меҳрибон, гамхўр Президентимиз бор. Юртбошимизнинг эътибори, иқтидоримизни намоеъ этишимиз учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилганлари биз учун беқийёс имкониятлар ашигини очиб берди.

ни кўрсатаёғимиз. Мен ҳеч иккиланмасдан, катта мамуният ва фохр билан айтаманки, агар истиқлолга эришмаганимизда бундай имкониятларга эга бўлмас эдик. Шунинг учун ҳар доим, ҳар биримиз, ҳар қандай вазиятда ҳам Ватан манфаатидан йироқлашмаслигимиз керак, деб ўйлайман. Юрт ҳақида яхши шеър ёзиш, дилбар тарона яратиш, қойилмақом кашфиётлар қилишга интилишимиз учун эса барча имкониятлар бор.

ашуларлар яратилаётганини эътироф этмоқ лозим. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбековнинг "Ватан" деб номланган кўшигини тинглаб, кўнглимдан шундай мулоҳазалар ўтди: биз Президентимиз айтганларидек, Истиқлолга ўзидан эришганимиз йўқ, Шундай экан, ҳаётимизни бугунгидек тинч ва осойишта кўриш орузида юрганларни унутмаслик бизнинг бурчимиздир. Зеро, Ўзбекистон деб аталмиш бебаҳо Ватанимиз бор. Юрта муносиб фарзанд бўлиш, уни самимий мадҳ этиш, Ватан мавзусини тараннум этувчи қўп ва ҳўп навою навозисни яратиш ҳар биримизга насиб этсин, дейман.

— Бугун биз, ўзбек ёшлари Ўзбекистон фарзанди экан-

лади. Шу ўринда бир мисолни айтсан. Мен 1995 йили ва 2005 йилда Англияга борганман. Биринчи борганимда у ердаги ёшлар учун яратилган шароитлар, ўқув хоналаридаги технологик жиҳозларни кўриб, ҳайратлангандим. Орадан ўн йил ўтиб, яъни 2005 йилда борганимда эса ўзимизнинг шароит уларникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмаслигига амин бўлдим. Бир пайтлар 50-100 йилда ҳам эришиш мумкин бўлмаган ўзгаришлар мустақилликнинг тарихан қисқа йилларидаёқ амалга оширилганига гувоҳимиз. Президентимиз раҳнамолигидаги бундай ислохотлардан руҳаниб ўқидим, ўргандим, илмий иш қилдим. Зотан, бугунги имкониятлар дарида ўқиб-ўрганадими, ўз иқтидорини намоеъ қилмаслиқни гуноҳ, деб биламан. Ахир, Президентимиз ҳар доим ёшларни деб қайғурсалар-у, биз бу гамхўрликка муносиб бўлмасак, эртанин қандай тасаввур қилишимиз мумкин?! Тан олиш керак, тенгдошларим орасида билмидон, иқтидорли, қобилиятлилари кўп. Лекин истеъдоднинг ўзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳар қандай иқтидор эгасига агар эътибор берилмаса, у рағбатлантирилмаса, ном қозониши мумкин. Бизда эса ҳар бир истеъдод соҳибни борки, давлатимиз томонидан

2008 йил, 9 май. Ушбу санини мен ҳеч қачон унутмайман. Айнан ушбу санада Хотир ва қадрлаш кўни муносабати билан ўтказилган тадбир чоғида мен ҳам бир гуруҳ тенгдошларим қатори Президентимизнинг ёнларида туриб, у кишининг сўзларини эшитиш бахтига мушарраф бўлдим. Маслаҳатларни ҳам қўлагим билан тингладим. Эртанги кунга муносиб бўлинганлар, буюк аждодларимиз олдидаги бурч ва масъулиятни ҳар доим ёдда тутишга, деган сўзлари юрак-юрагимдан жой олди. Шундай меҳрибон Президентимиз бор экан, биз ёшлар ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

— Боғалигимдан мусикага, адабиётга меҳр қўйдим, — дейди пианистичи Гўлрўх Шокирова. — Ўзбекистон давлат консерваториясида тахсил олдим. Бугун эса дунёнинг қўллаб-қувватларида бўлиб, ўзлимиз-

бу — Ўзбекистон, ўзбек, деган номни дунёга ёйишга интилган оддий мусикачи қизнинг орузи. Энг муҳими, бундай фикрлар мустақиллик замонда ўқиб, улғайиб, камол топаётган ёшларга ҳосил. Зеро, улар бот-бот таъкидлаётганимиздек, ИСТИҚЛОЛ ФАРАЗАНДЛАРИДир! Бу оламда токи, меҳр, оқибат, саховат, бағрикенглик, мардлик, тантлилик каби одамийлик хислатлари бор экан, Ўзбекистон тилга олинади, ўзбек миллати ҳақида гап кетади. Демак, ёшларимизнинг покиза туйғулари, мусофақ оруз-умидлари ҳам ана шу фазилатлар янглиг мангуликка дахлдор. Бундай дахлдорлик туйғуси авлоддан авлодга ўтиб, овоз ва обод Ватан номи, Юрт шайни, Миллат манфаатини юксакларга кўтаражак!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Конрад Аденауэр номидagi жамғарманинг (Германия) Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, мамлакатимиз ва хориж экспертлари, журналистлар иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директорининг ўринбосари Ф. Абдукаримов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятини янгилаш борасида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, хоҳиш-иродасини ифода этишда фуқаролик жамияти институти, хусусан, сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлади. Жорий йилнинг 1 январидан кўча кирган «Давлат бошқаруви»ни янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Анқумдада Ўзбекистонда фаолият қоритавган сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги роли ва нуфузи тобора ошиб бораётгани таъкидланди. Тадбиркорлар ва ишбилмоллар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолияти бунинг яқол далилидир.

Германиялик экспертлар давра сўхбати иштирокчиларини Германия парламенти — Бундестагининг қўйи ва юқори палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизими, парламентаризмнинг ҳозирги кундаги ривож ва истиқболлари, депутатлар корпусининг иш тартиби билан таништирдилар.

Кизгин мулоқотлар чоғида германялик мутахассислар Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ўзига хос тажрибасини, хусусан, халққаро андозларга мос муҳим ҳуқуқий асос яратилгани сиёсий партияларнинг кенг ижтимоий-сиёсий фаолият қилишида, жамиятдаги ўрни, нуфузи ва маънавия, ваколатларини янада кенгайтиришда ҳамда фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар очганини, шунингдек, сиёсий партияларнинг ташкилий-қадрлар сиваси, моддий-молиявий, маънавий-маърифий, тарғибот-таъшиқот ишлари борасидаги ибратли амалиётини ҳамда партия наشرлари фаолиятини юқори баҳоладилар.



Мавсум

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ

Самарқанд вилояти «Пилла уруғчилиги» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари жорий йилда пиллакорлар билан 1463 куги ипак қурти уруғини парвартириш-лаш бўйича шартнома имзолаган эдилар.

Айни кунларда вилоят пиллакорлари «Ипакчи-1», «Ипакчи-2» ипак қурти уруғидан 73,6 тонналик уруғлик пилла хирмони бунёд этмоқдалар. Жамият жамоаси пиллачиларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш мақсадида Жомбой ва Пастдарғом туманларида ҳам қабул пунктларини ташкил этди. Бу ҳосил топширишда қатор қулайликлар яратди.

СУРАТДА: жомбойлик илғор пиллакор Клара Раббимова фарзандлари билан. Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Бу замин, яъни Булоқбоши тумани одамлари азал-азалдан ҳайратомуз ишларга қўл уриб, мўъжизалар яратган. Айтишларича, ёши сақланган ўтганга қарамай, ҳасса нималигини билмаган, кўзлари кўзойнакни кўрмаган Назиржон ота Сулаймонов бутун бошли бульдозерни қисмларга ажратиб, бўлакларини вертолётда тоққа олиб чиққан. Уша ерда яна бульдозерни тиклаб, тоғ қиялиқларини текислаган ҳолда бог вратган.

Учтегаллик Абдуҳалим ака Исмоилов эса «Урал» мотоциклига омонни тиркаб, адирликда ер очган, ширин-шакар қовун ва тарвузлар етиштирган.

Деҳқончилик бобида шухрат қозонган Жўраполов Ғойибов, Абдумўмин ота Қаюмов, маҳалла фаолларидан Холмухаммад ота Жўраев, таниқли ёзувчилар Мирзакалон Исмоилов ва Рустам Раҳмон, бетакор овоз соҳибаси Муножот Йўлчиева, бастакор Ғулумжон Хожиқов ҳам Булоқбоши фарзандлари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида, айниқса, бу дилдор ўшанинг маҳалла хўбонлари, қўчалари сайилгоҳлари, боғларини иншоотлари ўзига малаҳот тароват қасб этди. Устозлар дуосини олган, уларнинг йўли-йўригидан чикмаган янги замон

одамлари, хусусан, ёшлар Булоқбошини жуда қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан бақувват, саноти ривож топган, маданияти юксалган туманга айлантирилганлари эса қалбларда гурур уйғотади.

— Бир пайтлар оддий пишиқ гиштинлар шаҳардан ёки бўлмаса, қўшни туманлардан келтирилдиқ, — дея ҳикоя қиладди бутун бошли ховли-жойини «Отлар ноҳонаси»га айлантирган Исмоилов ота. — 1991 йили Булоқбоши Хўжабоддан ажралиб чиқиб, мустақил туман маконини олди. Бу ерда овоз ва мустақил юртимиздаги каби ҳақиқий янгилашни ва ўзгаришлар дари бошланди. Қисқа

Мулкдорлар сафининг кенгаётгани, айниқса, кўнглиларга илқилик бағишлади. Элим деб, юртим деб ёниб ашваётган кишилар қишлоқларга санаотин олиб кириб, 43 та кичик бизнес, 1166 та хусусий тадбиркорлик субъектини бунёд этган ҳолда, 9000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратдилар. Уларнинг сўй-йиҳаракатлари тўғрисида ўтган йили 3996,2 миң сўмлик санаот моллари ишлаб чиқарилиди. Аҳолига эса 7469,3 миң сўмлик хизмат кўрсатилди.

Туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган исло-

ЁШЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурларини, жумладан, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сихат-саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» ва бошқа дастурларни ҳайтта татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бунтурчалар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Давра сўхбати иштирокчилари ўз нутқларида «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга оширишга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олиш ҳамда болалар ва ёшлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини янада тўлиқроқ таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиганини таъкидлаб ўтдилар. Тегишли вазирликлар ва идоралар узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини янада кенгроқ қўламада амалга ошириш, ёшлар камолоти раванқ топиб, ижодий салоҳияти янада юксалиши учун қўшимча равишда ҳуқуқий, ташкилий шароит ва кафолатлар бериш масалаларига оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек, иқтидорли болалар учун мўлжалланган иқтисослаштирилган мактаблар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш, қобилиятли ўқувчилар ва талабаларни таълим жараёнида рағбатлантириб бориш тизимини яратиш, умумий ўрта таълим ҳамда ўрта махсус, касб-хўнар таълими тўғрисидаги янгиланган низоомларни тасдиқлаш борасида қонун ижодкорлиги ишларини изчиллик ва собитқадамлик билан олиб бормоқдалар.

Иштирокчилар бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга тааллуқли ваколатларини амалга ошириш масалаларида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув юртлари, болалар ва ёшлар ташкилотлари, ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда фермер хўжаликлари билан биргаликдаги фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган ишларни давом эттириш зарурлигига ҳам ургу бердилар.

Муҳокама асосида тадбир иштирокчилари вояга етмаганларга оид ГФР қонун ҳужжатларининг ўзига хос жиҳатлари билан танишдилар, вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларимизни тақомиллаштириш, давлат болалар муассасалари ва ташкилотларида навқирон авлод таълим ва тарбиясининг мазмун-моҳияти ҳамда сифати, давлат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти очиқ-ошкоралигига эришиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Давра сўхбати якунилари асосида иштирокчилар тегишли тавсиялар қабул қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг 6 июнда Андижон давлат тиббиёт институти биносида бўлиб ўтган кўшама сайёр мажлисида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилиши натижалари кўриб чиқилди.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни, буюк аждодларимизнинг қўп асрлик маънавий меросини, шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг интеллектуал ютуқлари ва тажрибасини уйғун ўзлаштириш асосида тарбияланган ёш авлод, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, куч-қудратимизнинг энг асосий манбаидир.

Болаларимизни ўзаро уйғун миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, мустақил фикрлай оладиган, замонавий билимларни эгаллаган, жамиятимиздан муносиб ўрин топадиган мутахассис қилиб етиштириш эндиликда давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган қолди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир тегишли ҳуқуқий база яратилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилинди ва у ҳозир муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги долзарб вазифалардан бири ёшлар камол топиши, уларнинг ижодий салоҳияти янада юксалиши учун қўшимча ҳуқуқий, ташкилий шароит ҳамда кафолатлар беришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мажлисда қайд этилганидек, Андижон вилоятида мазкур Қонунни ижро этиш юзасидан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган 393 миң йилгит-қиздан 258 миң нафари ишга жойлаштирилган. Фақатгина шу йилнинг тўрт ойи мобайнида икки миңдан ортиқ ёлланма касаначилик ўринлари яратилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида турли тоифадаги ёшларни ишга жойлаштириш учун 50 миңга яқин иш жойи яратиш назарда тутилган. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига меҳнат фахрийлари ва зиёлиларнинг номияндаларини жалб этишга катта эътибор берилмоқда.

Ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бешта олий ўқув юрти, 94 та касб-хўнар коллежи, 11 та академик лицей ва 746 та умумтаълим мактаби орқали амалга оширилмоқда, уларда 611 миңга яқин ўқувчи ва талаба таълим олмақда. Иқтисослаштирилган мактабга таълим муассасаларида, Меҳрибонлик уйда, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун мўлжалланган мактаб-интернатда, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларда ижтимоий ҳимояга ҳамда давлат ёрдамига муҳтож 2600 дан ортиқ бола таълим ва тарбия олмақда.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш доирасида таъминланган 2007 та ёш оилага бепул қорамол берилди, 2007 йилда шундай оилаларга тижорат банклари томонидан 8 миңлиқ 80 миңлиқ сўмлик ипотека, истеъмол кредитлари ва бошқа турдаги кредитлар ажратилди. 2008 йилнинг биринчи чораги мобайнида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган муҳтож фуқароларга бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан 704,7 миңлиқ сўм миқдорда пенсия ва нафақалар тўланди. Андижон шаҳрида мамлакатимизда энг катта Ёшлар маркази биноси қурилиши тугалланмоқда, энг янги техника воситалари ва технология ускуналари билан жиҳозланган бу қошонада 500 нафардан ортиқ ёшлар ишга жойлашади.

Шу билан бирга, кўшама мажлисда сенаторлар ва депутатлар «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилишидаги мавжуд камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини ошириш, уларни истиқболли илмий тадқиқотларда иштирок этишга жалб қилиш, ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шу жумладан, тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида вакиллик, ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини фаолиятини тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган ижтимоий дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш соҳасида етарлича иш олиб бормаётдилар.

Муҳокама асосида ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари ўз вақтида хал этилишини таъминлайдиган қонунчилик базасини тақомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар берилди.

Муҳокама якунилари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Шу кўни «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш — давр талаби» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида миллий ғоя тарғиботи борасидаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг ўзига хос шакллари ва усуллари тўғрисида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳақида, шу соҳада олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг роли хусусида, ёшлар орасида миллий ғояни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш жараёнидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни хал қилиш йўллари ҳақида амалий фикр алмушур бўлиб ўтди.

Тадбирларда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари, Хотин-қизлар қўмиталари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎЗА).

(ЎЗА).

ҲАМЖИҲАТЛИК

раларни забт этишни қўзламоқдалар. Пахтачилик тармоғида эришилаётган муваффақиятлар ҳам эътиборга молик.

Утган йили фермерлар 10260 тонна пахта йиғиштириб олганлари бунинг тасдиғидир. Картошка, сабзавот маҳсулотлари ва мева етиштиришдаги ютуқлар салҳаракатлари тўғрисида ўтган йили 3996,2 миң сўмлик санаот моллари ишлаб чиқарилиди. Аҳолига эса 7469,3 миң сўмлик хизмат кўрсатилди.

Туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган исло-

ни — менинг яйраганим, — дейди у. — Уларнинг ҳеч нарсасдан камлик кўрмай, униб-ўсганини кўрмоқдан ортиқ давлат борми?

Буну булоқбошиликларга хос тантлиқ деса бўлади!

— Баҳарган ишларимиздан келгусида амалга оширилажак юмушларимиз кўп, — дейишмоқда бугун булоқбошиликлар. — Ёшларни иш билан таъминлаш учун ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, болалар спортини оммалаштириш мақсадида футбол ўйингоҳини таъмирлаш, теннис корти ҳамда сузиш ҳавзаларини бунёд этиш, туман марказидаги маданият ва истиро-

ҳат боғини тартибга келтириш, жойлардаги кутубхонани янги адаббети билан тўлдирини шугар сирасига қиради.

Бундан ташқари, қишлоқ инфра-тузилмаси хусусида жиддий ўйлаб қуришни пайти етиб келди. Тўғри, ҳозиргача тумандаги 80 фоиз хондон тоза ичимлик суви билан таъминланган, 72,6 фоизи газлаштирилган. Бирок ушбу тизимлар фаолиятдан мижозлар мамнунми? Электр таъминотида узиллишлар бўлмаптими? Чорвачилик қачон фойда келтирувчи тармоққа айланади? Ана шундай ҳаётий муҳим масалалар ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Бундай самимият ва кўтаринки руҳ, жонқурлик, одатда келажакка астойдил ишонч билан қараётган, ўз икболини фарзандлари камоли ва бахтида қуришни озуллаган, ҳечрасида ой балқинган одамлардагина бўлади. Булоқбоши ахли айнан шу тоифага мансуб, десак, асло бўлмагани йўқ. Зеро, уларнинг интилишлари, амалий ишлари ва қўлга киритаётган ютуқлари ана шундан далолат бериб турибди.

Икром ҲУСОБОВ, Одижон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Портлаш оқибати


Дам олиш кунини Жазирининг Лаҳдария шаҳрида иккита портлаш амалга оширилди.



«Франс-пресс» ахборот агентлиги хабарида айтадики, кўпюрлик оқибатда камда 12 киши ҳаётдан куз юмган. Уялаб фуқаролар турли тан жароҳатлари олганлиги айтилмоқда.

Полиция вакиллари мазкур портлашларим томонидан бажарилганини ҳозирча аниқлагани йўқ.

Грецияда зилзила




Греция жанубида Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллга тенг ер силкиниши содир бўлди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги.

Табий офат икки кишининг ҳаётига зомин бўлди. Юзга яқин киши жароҳатланган. Кўпгина хонадонлар жиддий зарар кўрган. Хабарларга кўра, зилзила маркази Пелопоннес ярим оролингида кузатилади.

Хакерлар хужуми

Буюк Британия Ички ишлар вазирлигининг расмий сайтига хакерлар хужум қилишди.



Компьютер бузғунчилари мазкур сайти Италия банки ходимлари номидан кириб, фойдаланувчиларнинг шахсий паролини билиб олган. «The Telegraph» нашри хабарида келтирилишича, ҳозирча неча киши фирибгарлар «қурбони» бўлган номуълум.

Айни пайтда вазирлик мазкур воқеа устидан жиддий сўриштирув ишларини олиб бораётти.

«Пақилдоқ»лар вақтинча сотилмади



Хитой ҳукумати мамлакатда пиротехника маҳсулотлари билан савдо-сотиқ ишларини вақтинчалик тўхтатиб, «Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, бу қарор август ойида ёзги Олимпиада ўйинларининг тинч-осойишта ўтишига хизмат қилади. Ушбу ҳужжатга кўра, «пақилдоқ»лар шу йил 8 октябрдан яна олди-сотди қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИСТАГАН ИМКОН ТОПАР

«Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи Лайло Рўзиева Қорақўл тиббиёт коллежидан ўтказилган меҳнат ярмаркасидан мамнун ҳолда қайтди. Ундаги хуш кайфият оила азозларига ҳам кўчди.

Бунинг боиси бор эди, албатта. Лайло меҳнат ярмаркаси ша-рофати билан Қорақўл тумани марказий шифохонасига ишга жойлашди.

Туман ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таби-луй муассасалари битирувчилари-дан ташқари, мудиат-ли ҳарбий хизматдан бурчини ўтаб қайтган-лар, ишсиз фуқароларни ҳам қўриш мумкин эди.

Ярмаркада 45 та корхона ва ташкилот 260 та бўш иш ўрни билан қатнашди, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори А. Мирфайзиев. — Ишга жойлашганлар сони 135 нафарни ташкил этди. Шуларнинг 94 нафари ёшлардир. 125 фуқарога эса зарур ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Туманда, шунингдек, «Бандлик — 2008», «Касаначилик меҳнатини ривожлантириш» дастурлари асосида жорий йилнинг уч ойида 724

Саломатлик ойлиги

«Фарзандлари соғлом юрт қудрати булур» широйи остидаги мазкур ойлик да-вомида аҳоли ўртасида тиббий билимларни кенг тарғиб қилиш, хусусан, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган нохуш иллатларнинг олдини олиш

борасидаги амалий ишлар-га алоҳида эътибор қара-тилмоқда. Жумладан, вилоят диагностика марказида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда аҳоли тиббий саводхонлигини оши-риш билан боғлиқ долзарб масалалар атрофида му-ҳокама этилди. «Спартак» стадионидан уюштирилган спартакиадада эса турли соҳа ходимлари югуриш, шахмат, шашка, футбол бўйича ўзаро беллашдилар.

Туманларда ўтказилган фаол спортчи оилалар му-собақалари эса жисмоний етулик машқлари жондон-ларда мустаҳкам ўрин ол-ганлигидан далолат беради.

Кудратилла НАЖИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2008 йил 27 июнь кунини соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қайтадан қўймоқда:

- Тошкент шаҳри Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 21 январдаги 2082-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник даҳасида жойлашган ИИББ «Ахборот маркази» оғборхонасида сақланаётган, давлат рақами 30Е5135 бўлган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 2 221 000 сўм.
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 7 апрелдаги 4987/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси 19-даҳасида жойлашган «Утюр» хусусий корхонаси ҳовлисида сақланаётган, давлат рақами 30И88-04 бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган «ИЖ-2715» русумли автотранспорт воситаси (носоҳ ҳолда).
Бошланғич баҳоси — 1 600 000 сўм.
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 23 январдаги 1524/23-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 3-мавзесида жойлашган «Шахтранс хизмат» 80-сонли автоуловлар тураргоҳида сақланаётган, давлат рақами 30Р1110 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес Бенц Е-200» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.
Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатига мулк ном, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закатат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдолаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризалар ва закатат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.
Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93. лицензия DB001-000010.
Шунингдек, «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 30 майдаги 106-сонда Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан эълон қилинган Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сабгон 30-тор кўчаси, 8-уй манзилдаги «Топозет» МЧЖга тегишли, умумий майдони 1687 кв. м бўлган икки қаватли бина ҳамда вафли маҳсулоти ва шохлада глазури ишлаб чиқариш ускунаси аукцион савдоларини олинганлигини маълум қилинади.

«РК ТРЕХГОРКА» ЁАЖ

- Юкори сифатли том қопламалари (рубероид)ни сотади.
Юкори сифатли том қопламаларидан таъмирлаш ишларини бажаради ва янгидан қоплайди.
Курилиш-монтаж ишларини бажаради.

Махсулот сертификатланган. NSS UZ. 01.143.0513752

245-10-32, 245-11-72, 245-11-82, 303-46-59

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

Преимущества чугунных котлов:

- наибольший срок службы среди других типов котлов
конструкция, проверенная годами
проработанная производственная технология
несложное обслуживание и уход
низкие требования к дымовой тяге
широкий диапазон мощностей
универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
более высокое рабочее давление
высокий КПД, недоступный для других котлов

КАФЕЛЬ

(облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127

ПРОДАЕТСЯ 2-этажное ЗДАНИЕ С ЕВРОРЕМОНТОМ

1155 кв.м 23 сотки по ул. Бобура Тел. 333-01-90

ХАЁТНИ СЕВАСИЗМИ? У ХОЛДА ВАКТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Ўқишга марҳамат! Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!

«ЭФФЕКТ-МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни кафолати ва амалиёти билан қуйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

- I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ХУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ: (малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
Корхона менежери (маркетинг, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, меҳнат қонунчилиги, компьютер, Internet) — 1 йил, теъзор — 5 ой, 1 ояга — 40 минг сўм.
Бухгалтер-молиячи (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, теъзор — 3-5 ой, 1 ояга — 35 минг сўм (нолдан балансгача, компьютер, Internet, «1С» бухгалтерия программаси).
«1С» бухгалтерия программаси — 1 ой, теъзор — 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
«1С» бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати — шартнома асосида.
Корхона ҳуқуқшунослиги (компьютер, ҳужжатлаштириш, меҳнат қонунчилиги, бизнеснинг ҳуқуқий асослари, бухгалтерия) — 1 йил, теъзор — 3-5 ой, 1 ояга — 40 минг сўм.
Банк иши (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) — 1 йил, теъзор — 3-5 ой, 1 ояга — 40 минг сўм.
Қадрлар иши (компьютер, Internet, меҳнат қонунчилиги) — 6 ой, теъзор — 2 ой, 1 ояга 40 минг сўм.
Секретарь-референт (компьютер, Internet, иш юритиш тактикаси) — 3 ой, теъзор — 1 ой, 1 ояга — 40 минг сўм.
II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ (фақат яқка тартибда)
Компьютерда офис ишлари (боловчилар учун тулик курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint, Муддати — 2 ой, теъзор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ояга — 15 минг сўм.
INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) — 15 кун, теъзор — 4 кун, 15 минг сўм.
Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш — 1 ой, теъзор — 6 кун, 1 ояга — 40 минг сўм.
Компьютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви — 1 ой, теъзор — 6 кун, 1 ояга — 40 минг сўм.
Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere (видеомонтаж) дастури — 1 ой, 40-50 минг сўмдан.
WEB-сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ояга — 50 минг сўм.
Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6, 0 DELPHI) — 6 ой, теъзор — 3 ой, 1 ояга — 150 минг сўм.
SQL (Server) маълумотлар базаси бошқаруви — 2 ой, 1 ояга — 150 минг сўм.
Уяли телефонни таъмирлаш — 3 ой, 1 ояга — 100 минг сўм.
Уяли телефонни дастурлаш — 1 ой, 200 минг сўм.
Дастурларни ўрнатиш, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус билан ишлаш — 1 ой, 100 минг сўм.
Аудио, видеоаппаратураларни таъмирловчи — 4 ой, теъзор — 1 ой, 1 ояга — 50 минг сўм.
III. ТИЛЛАРИНИ МУКАММАЛ УРГАНИШ БЎЛИМИ: (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратлар ёрдамида)
Дарслар ҳужжат топширган кунингиздан бошланади.
Машғулотлар ўқув дастурлари ва кўланмалари ёрдамида, тўшунарли усулларда, чин дилдан «устоз-шогирдлик» асосида қатъий тартибда ўргатилади. Бир мавзун ўзлаштирмасдан кейингисига ўтилмайди.
Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Ўқиш учун фақат паспорт ёки тутилган ҳақда гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов — нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!
КОРХОНАЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ!
Қабул — соат 9.00 дан 19.00 гача. Дам олиш кунини — яқшанба, Ётоқхона — 1 ояга 25-30 минг сўм.
Манзил: Тошкент ш., Амир Темуру к., 84-уй, «Козогистон» кинотеатри-нинг ўнг томонида. Транспорт: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115-автобусларнинг «Козогистон» кинотеатри, метронинг «Минор» бекатлари.
Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.
Лицензия № ASUZ 00192200T0002-05.

Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари истемолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда таъсир этувчи моддалар умуман бўлмагани ёки аксинча таркибидан зарарли, заҳарли ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истемол қилиш натижасида беморнинг соғлиги оғирлаша ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дориҳона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сунти йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар фикрингизга ёрқин далилди. 2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йил-нинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тани ташкил этди. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фож этилди.

Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилган: «Ринза» таблеткаси №10-серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013. «Ринза» таблеткаси №4 - серияси 010807 «Ринза СИП» эритилувчи кукун 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.

Эсингизда тутинг! Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари қутилган самарани бермайди ва у соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча ноҳушликлар учун

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66

Эҳтиёт бўлинг: қалбаки дори воситалари!

Завод ТТЕМЗ изготавливает и реализует: КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность 8т
максимальная длина стрелы — 30м (с кареткой)
максимальная высота подъема гор. — 41,5м, наклонно — 57,5м

АВТОКРАНЫ:

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
максимальная грузоподъемность — 14 т
максимальная высота подъема — 14,5 м
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
максимальная грузоподъемность — 16 т
максимальная высота подъема — 22 м
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
максимальная грузоподъемность — 25 т
максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)
ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Фаргона вилоятининг Водил қишлоғида кураш ва белбоғли кураш бўйича Хамид ва Темур полков хотираларига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

### Водилда халқаро турнир

Унда мамлакатимиз курашчиларидан ташқари, Қирғизистон ва Тожикистондан келган жами 200 нафардан зиёд полковлар голиблик учун ғиламга чиқдилар.

Уч кун давом этган мусобақадан сўнг Уктам Эргашев, Элбек Очилов, Яхё Имомов, Хикмат Куртов, Шухрат Бобоев, Сирожиддин Шоймуратов ва Тўлқин Салимовлар ўз вази тоифаларида голибликни қўлга киритдилар.

### Константин Цзю боксдан кетади

Жорий йилнинг сентябрь ойида ўзининг 39 ёшини нишонлайдиган спортчи бундан буён ўзи ташқил қилган бокс академиясини ривожлантирмоқчи.

— Мен 30 йиллик ҳаётимни боксга бағишладим, — дейди у "fightnews.com" сайтига берган интервьюсида. — Ҳозир жисмоний жиҳатдан ўзимни яхши ҳис қиламан. Эндиликда болаларга ўз тажрибаларимни ўргатмоқчиман.

## Велоспортчилар баҳси

Тошкент вилоятида велоспорт бўйича кўп қунлик Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Биринчи кун 160 километр масофага ўтказилган гуруҳ пойга баҳсларида наманганлик Константин Калинин маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ўрин унинг гуруҳдоши

Азиз Абдурахимовга насиб этди. Тошкентлик Юрий Иволжатов учинчи ўриндан жой олди.

Кеча спортчилар 140 километр масофага бўлган гуруҳ пойгасида имкониятларини синовдан ўтказдилар.

Италияда мукофот жамғармаси 30 минг АҚШ долларига тенг бўлган халқаро турнир давом этмоқда.

### Теннисчимиз Италияда

Нуфузли мусобақада теннисчимиз Денис Истомин юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Кеча Денис жуфтлик беллашуварларида россиялик теннисчи Евгений Кириллов билан биргаликда Белгия-Чехия вакиллари Дик Норман — Лукас Россолларга қарши кортта чиқиб, муваффақият қозонди.

Профессионал бокснинг биринчи ўрта вазнида собиқ мутлақ жаҳон чемпиони россиялик Константин Цзю Камчаткага қилган сафарига катта спортдан кетиши ҳақида расмий баёнот берди.



Ойбек ТОШТЕМИРОВ.

Элмурод Холиқов стол тенниси бўйича уч қарра мамлакат чемпиони, нуфузли халқаро турнирлар совриндори бўлган.

У яқинда Бухоро шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилиги баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Барча рақиблирини доғда қолдириб, тўртинчи бор чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Жуфтлик баҳсларида эса андижонлик ҳамшахри Умид Зокиров билан бирга голибликни қўлга киритди.

О. ШОДНОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



### Гулшандаги ибратли ишлар

Қарши шаҳридаги Гулшан маҳалласида замонавий боғлар спорт мажмуи бор. Уни тадбиркор Ўткир Эркаев шахсий маблағи ҳисобига қурган.

Айни пайтда мажмуада спорт машгулотлари, мусобақалар билан бир қаторда маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий муҳофиза қилишга бағишлаб ташқил этилган йиғинда эса барча маҳаллаларнинг вакиллари қатнаш-

ди. Тадбир спорт тўғрисида рақибларни иштирокчиларига спорт кийимлари ва анжонлари соғва қилиш билан бошланди. 15 та кам таъминланган оила вакилига 100-150 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди, 5 хонадон тивув машинали бўлди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## МАДАНИЯТ

хабарлари

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёш мусавирларнинг бадий кўргазмаси ташқил этилди.

### Гавқирон ижодкорлар кўргазмаси

Унинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиёев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантириш, бадий таълим тизимини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юртимизда барпо этилаётган қўллаб-қувватлаш мақсадлари, кўргазма заллари, ёшлар ижодиёти марказлари, галереялар йиғит-қизларнинг бадий тафаккури ва дунёқарашининг янада ривожланиши, икти-

дорининг тўла намоён бўлишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ёш ижодкорлари республика кўргазмасида юртимизнинг бадий йўналишидаги олий, ўрта махсус, касб-хуна таълими даргоҳларининг истеъдодли талаба ва ўқувчилари ижоди билан яқиндан танишиш мумкин. Кўргазмадан ўрин олган олти юздан ортқ асар тасвирий, дизайн, ҳайкалтарошлик санъатининг турли йўналишларида баҳарилган билан ҳам эътиборга моликдир.

Насолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

### Барҳаёт ананалар

Самарқанд шаҳридаги Санъат коллежи концертлар залида ўрта махсус таълими тизимидаги муассасалар ўртасида «Барҳаёт ананалар» фольклор этнографик дасталари республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Аҳамиятли шундаки, ҳар бир ҳудуд ёш санъаткорлари чиқариши миллийлик, маҳаллий урф-одатлар сезилиб турди. Сурхондарёликларнинг сахна кўринишларида тўй маросимлари акс этган бўлса, самарқандликлар бешикка бола беланишини намоён этидилар.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### «Оиладан бошланар Ватан»

Қарши шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида «Оиладан бошланар Ватан» деб номланган маданий-маърифий кеча ташқил этилди.

Ёшлар йили муносабати билан уюштирилган мажмуи бирга намуна оилалар, меҳнат фахрийлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари тақдир этилди.

— Юртимизда оилалар фаровонлиги, ёшларнинг тинч-тову ҳаёт кечириши учун юксак ғамхўрлик кўрсатишмоқда, — дейди йилнинг қатнашчиси Манзура Очилова. — Бунга жавобан, ёш оилалар келгусида фарзанд тарбияси, оиладаги гўзал ахлоқий муносабатлар борасида намуна кўрсатишлари лозим. Бугунгидек маданий тадбирлар баҳона ёшларимиз орасида ана шу эзгу тушунчаларни тарғиб этиши мумкин.

Мухтасар КАРИМОВА.

## ЎЗБЕКИСТОН ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧДА

7 июнь кун Осиё китъасида футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати учинчи босқич саралаш учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон терма жамоаси пойтахтимиздаги МХСК стадионида Сингапур футболчиларини қабул қилиб 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Мумини, ҳамюртларимиз 12 очко (китъада 20 та терма ичида ҳеч қайсики шуна очко тўплагани) тўлаб, мuddатидан олдин тўртинчи босқич йўлланмасини қўлга киритдилар. Ягона тўпчи Александр Гейнрич киритди. Эслатиб ўтамиз, шу кун Ўзбекистон терма жамоаси 150-юбилей учрашувини ўтказди. Энди йиғитларимиз 12 июнь кун Тошкентда Ливан, 22 июнь кун эса сафарда Саудия Арабистони терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар.

Гуруҳдаги яна бир учрашувда Саудия Арабистони сафарда Ливани 2:1 ҳисобида мағлубията учратди. Қолган гуруҳларда қуйидаги натижалар кайд этилди:

ҚДР — Туркменистон 1:0, Хитой — Қатар 0:1, Уммон — Япония — 1:1, Иордания — Жанубий Корея 0:1, Ироқ — Австралия 1:0, БАА — Эрон 0:1, Баҳрайн — Таиланд 1:1, Кувайт — Сурия 4:2.

«А» гуруҳи:	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Австралия	4	2	1	1	4-1	7
Қатар	4	2	1	1	3-3	7
Ироқ	4	1	1	2	2-4	4
Хитой	4	0	3	1	1-2	3

«Б» гуруҳи:	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Жанубий Корея	4	2	2	0	7-2	8
ҚДР	4	2	2	0	2-0	8
Иордания	4	1	1	2	4-4	4
Туркменистон	4	0	1	3	0-7	1

«В» гуруҳи:	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Баҳрайн	4	3	1	0	6-3	10
Япония	4	2	1	1	8-3	7
Уммон	4	1	1	2	2-5	4
Таиланд	4	0	1	3	4-9	1

«Д» гуруҳи:	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	4	4	0	0	12-3	12
Саудия Арабистони	4	3	0	1	8-5	9
Сингапур	4	1	0	3	5-10	3
Ливан	4	0	0	4	2-9	0

Таъкидланганидек, Ўзбекистон терма жамоаси биринчи бўлиб тўртинчи босқич йўлланмасини қўлга киритди. Туркменистон ва Ливан терма жамоалари кейинги босқичга ўтолмасликлари аниқ бўлди. Таиланд футболчилари аҳолини ҳам яхши, деб бўлмади. Уз

майдонларидаги беллашувларни муваффақиятсиз ўтказган БАА, Хитой ва Япония терма жамоалари ҳам кейинги босқичга чиқиш имкониятларини анча камайтириб юборишди.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

### Танлов

Навоийда бўлиб ўтган «Сиз тарихни биласизми?» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи ўнлаб билимдон ва салоҳиятли ёшларни кашф этди.

### Тарих фани билимдонлари


Юрт, миллат тарихидан биз билган ва билмаган воқеалар ҳақида ҳам сўз борди. Нуфузли ҳайрат аъзоларининг ҳулосасига кўра, Бухоронинг «Адолат» жамоаси голибликни қўлга киритди. Самарқанднинг «Афросиёб» жамоаси иккинчи ва Навоийнинг «Темурийлар» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Голиблар тадбир ташкилотчиси — «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## Хижолатли саёҳат



Яқинда уйимизга уч бухоролик дўстимиз меҳмон бўлиб келди. Улар Хива шаҳрини зиёрат қилмоқчи эканликларини айтишди. Саёҳат баҳонасида Хоразмнинг кўхна обидалари ва уларнинг асл қиёфасини сақлаган ҳолда ўтказилаётган ободончилик ишлари ҳақида меҳмонларга сўзлаб бериш имконияти туғилганидан хурсанд бўлиб йўлга тушдик.

Мана, қадимий Хива шаҳрида. Баланд миноралардаги нақшлар кўёш нуридан минг хил товланади. Ичон қалъага қадим қўйилган ҳамоно афсоналар оламига киргандай бўласиз. Айниқса, меҳмонлар ҳайратларини яширмадилар. Бирок баъзи сохта тадбиркорларнинг беандуша қилликлари бизни рағбатиди.

Масалан, Исломуҳжа минораси ёнида икки суратқаш расмга тушишни тақдиф этди. Енимизда фотоаппарат борлиги сабабли, уларга миннатдорчилик билдириб, ўзимиз суратга ола бошладик. Шу пайт суратқаш йиғитлардан бири меҳмонлардан бирининг қўлидан ушлаб, шу ердаги курсига ўтказди. Бошига чўғирма кийдириб қўйди, қўлига қилич тутқазди. Бу меҳмонларга завқ бағишлади, албатта. Мен суратга олишни якунлаб, суратқашга пул узатдим. Ҳар ҳолда

меҳмонларнинг кайфиятини кўтаришга ёрдам берди-да. Шу пайт суратқаш йиғит беиз бўлиб: — Яна икки минг, — деди. Сабабини сўрасак: — Чўғирма билан чопонни кийиб тушдинглар, бизда глан бор, — дейди. Меҳмонлар олдида уялиб қолмаслик учун уларнинг айтганини бердик.

Исломуҳжа минорасига чиқишни хоҳлаган катта ёшдаги кишилардан беш юз, кичик ёшдагилардан уч юз сўмдан пул олаётгани синглимининг ҳам «план» бормикан? Бор бўлса нимага ҳеч қандай чипта бермаётгани қизиқ, Кассага эмас, касса ураётгани қўриқиб турибди. Табиат музейидаги қотирилган ҳар хил қушлар, ҳайвонларнинг яхши қурилмаганидан ёки ўз вақтида қаралма-

ган халқларни олқашдилар, биз саёҳатни давом эттириш ниятида орқамизга ўғирилган эдик.

— Ие, ҳақини тўлаб кетмайсизларми? — деган овоздан таққа тўхтаб қолдик.

— Ҳар бирингиздан беш минг сўм бўлади.


Энди буёғи ортиқча эди. Сабабини сўрасак, яна «план», «аренда» дейишди. Мустақиллик йулларида Юртбошимиз раҳнамолигида азалий қадриятларимизга, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросга эътибор тўдан ўзгарди. Кўп асрлик улкан ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросни тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бас, шундай экан, баъзи бировларнинг маънавий қашшоқлиги, ҳар қандай йўл билан пул топишга уриниши, баднафслиги улкан ишларга соя солмаслиги керак. Яъни, хизмат маданиятини ошириш тўғрисида Хивадаги мажмуа мутасаддилари яна бир бор йўлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Масъул раҳбарлар музей мутасаддиларига бу камчиликларнинг олдини олишда зарур йўл-йўриқлар кўрсатдилар деган умиддамиз.

Рўзибой МАТКАРИМОВ.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмасса қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш усқуналари ва технологиялари:

- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.



### «POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com e-mail: info@powerglob.com

## ЮРАККА ҚУВВАТ

Жамбил зиравор ошқўк ва манзарали ўсимлик сифатида ўлкамизнинг барча туманларида етиштирилади.

гр. қуритилган жамбил ўти 200 гр. қайноқ сувда ярим соат дамлаб қўйилади. Сўнгра дамлама сузилиб, шарбатидан кунига 1 ош қошиқдан 4-5 маҳал ичилади.

Жамбил шифобахш хусусиятлари билан ил-ля тиббиётда ҳам қадрланади. Саноат миқосида ишлаб чиқаришчи «Пертусин» дориси фикримизнинг яққол

исботидир. «Пертусин»дан, айниқса, ёш болалар шомоллаганида — йўтал қолдирувчи восита сифатида фойдаланилади. Жамбилдан олинадиган қиём эфир

мойи дезинфекцияловчи дори саналади. Бинобарин, ана шу хусусияти туфайли жамбил озиқ-овқат саноатида сабзавотлар, гўшт ва балиқ маҳсулотларини консервлалаш, турли хил колбасалар тайёрлашда ишлатилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ИИЧБ, Ўзбек Миллий академик драма трама театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Зокировага волида муҳтарамаси

ТУРҒУНОЙ аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси MTRK poliklinikasi бош шифокори Ёлқин Шуюсовга онаси

МЕҲРИ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси, Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ТСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оринов.  
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.  
Навбатчи — С. Раҳмонов.  
Мусаҳҳид — М. Ёқубова.

Тошпирилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 7